



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2011 йил
7 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 71
(12.395)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



БЎКА ТУМАНИ

МИНИТЕХНОЛОГИЯДАН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

"Сафар Бўка бўстон" кўп тармоқли корхонасида маҳаллий тадбиркорлар томонидан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Ҳозирда қўшимча ишлаб чиқариш биносидан қурилиш-монтаж ишлари низомида. Корхона минитехнология билан жиҳозлаш учун 56 миллион сўм йўналтирилди. Маҳаллий ёшларни иш билан таъминлаган корхона сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ички бозорларга чиқариш тараддуиди.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

ЛИЗИНГ ҚЎЛ КЕЛДИ

Тадбиркор Мирсобир Қўчқоров ўзи раҳбарлик қилаётган "Хуснора плюс юксалиш" масъулияти чекланган жамиятида 12 турда қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



Бунинг учун лизинг асосида Эрондан замонавий минитехнология сотиб олингани қўл келди. Айни пайтда жамиятда ойига 15 тонна ширинлик ҳамда 60 минг дондан зиёд нон тайёрланиб, ҳудуддаги савдо нуқталарига чиқарилмоқда.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ЯНГИОБОДНИНГ ЯНГИ КОРХОНАСИ

Янгиобод қишлоғида гидроизол ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги қувват ишга туширилди.

Бунинг учун "Пўлат Густар" масъулияти чекланган жамияти 400 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя йўналтирди. Айни пайтда мазкур янги корхонада бир кунда 8 минг квадрат метргача маҳсулот тайёрлаш имкони вужудга келди.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

ҚЎШИМЧА ТАРМОҚ – ҚЎШИМЧА ДАРОМАД

"Асл Жавлонбек-файз" масъулияти чекланган жамиятида паррандачиликка ихтисослашган янги ҳўжалик ташкил этилди.

Бунинг учун 0,7 гектар ташландик майдонда маҳсул катта ва қафаслар ўрнатилиб, ҳозирнинг ўзида 2000 та ҳўжа парвариши бошлаб юборилди.

Банкнинг 40 миллион сўмлик кредити ҳисобидан ташкил этилган кичик ҳўжаликда айни пайтда 4 нафар маҳаллий



ёшлар иш билан таъминланди. Алишер РАҲМАТОВ.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини таъминлаш давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим мезонларидан биридир. Миллий қонунчилигимизда дафн этиш ва дафн иши билан боғлиқ меъёрлар тартибга солингани бу борада муҳим қадам бўлди. Ушбу соҳа Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27

ИНСОН ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида 2011 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – мазкур қарор мазмун-моҳияти, дафн этишга нафақа тўлаш тартиби юзасидан Ўзбекистон Республика-

си Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг пенсия таъминотини ташкил қилиш бошқармаси бўлими боғлиги Файрат ИСРОИЛОВ билан суҳбатлашди.

– "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асоси-



БАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига бу йил ўқишга кирган ўқитилар отаналари, ўқитувчи-офицерлар ва кенг жамоатчилик ҳузурида тантанали равишда ҳарбий қасамёд қабул қилдилар. Мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ этиш жараёнида ушбу билим юртида ҳам мутахассис кадрлар тайёрлашни янада тако-

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида Ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатга асосан олий ҳарбий билим юртида офицер кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳарбий касб нуфузини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натيجида ёшларнинг соҳага бўлган қизиқиши ва интилиши ошмоқда. Қуролли Кучларимиз мард, жасур ва фидойи, Ватан ҳимояси учун доимо тайёр кадрлар билан тўлдирилмоқда.



Тадбирда мамлакатимизда ҳарбий йўналишда юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Чирчиқ олий

миллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, билим дароҳининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ўқув хоналари зарур ҳарбий техника ва тренажерлар билан жиҳозланди. Дарс жараёнида замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

лиги ва оқошталлигини ҳимоя қилишдек муқаддас вазифани шараф билан бажарётганлари қайд этилди.

– Ўғлим Абдор Ватан ҳимоясига бўлишдек шарафли касбни танлаганидан бешад хурсандман, – дейди андижонлик Танилла Абдурахмонова. – Барча шарт-шароитга эга билим юртида ўғлим Ватани ва халқини ишончли ҳимоя қилишга қодир ҳарбий мутахассис бўлиб етишишига ишонаман.

– Асосий мақсадим барча имкониятлардан самарали фойдаланиб, малакали офицер бўлиб етишишдир, – дейди хоразмлик курсант Алишер Ғофуров. – Қасамёдимизга содиқ бўлиш Ватанимиз ва халқимиз олдидаги энг муқаддас бурчимиздир.

Л. СУВОНОВ,
Ўза мухбири.

НАВОЙ АСАРЛАРИНИНГ ЯНГИ НАШРИ

Алишер Навоий асарларининг 10 жилдик тўла асарлар тўлаи нашр этилди

Истиклол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий ўзлигини англаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод тафаккури, диди ва маънавиятини юксалтириш йўлида амалга оширилган улкан ишлар жараёнида ҳазрат Навоийнинг боқий мероси ҳам қадр топди. Уларни ҳуқуқ ўрганиш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан буюк шоирнинг 10 жилдик тўла асарлар тўлаи чоп этилди. Ушбу тўплам мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадрият, аънава ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига она Ватанга муҳаббат ва са-

ЭРТАНИ ЎЙЛАГАННИНГ КЕЛАЖАГИ БОР

Пискент туманидаги "Амирхон Гулбаҳор" фермер ҳўжалигининг бугунги ишларини кўрган киши ҳайратдан ёқа ушлайди десак, ишонаверинг. Туманнинг бундан нари борса, ўн йил аввалги фермерлари қаёқда-ю, ҳозиргилари қаёқда. Ўшанда 3-4 гектар ерни ўз номига расмийлаштириб, мен фермер бўлдим деб ўзида йўқ хурсанд бўлган қалдирғоч қишлоқ мулкдорларининг аксарияти ҳозир бутун бошли собиқ жамоа ҳўжаликларига тегишли бўлган катта майдонларда деҳқончилик қилишяпти.

Жумладан, "Амирхон Гулбаҳор"нинг раҳбари Сафармурод Каримов ҳам фақат бугунини ўйламаётгани, анча узоқни кўзлагани қилаётган ишларидан, қўл ураётган соҳаларидан аниқ-тиниқ кўришиб турибди. Тасаввур қилинг. Бу йил 150 гектар майдонда ғалла етиштириди, давлат эҳтиёжлари учун 450 тоннадан зиёд дон топширди. "Ўзингларга ҳам бир хирмон бугдой қолгандир" деган ҳазилимизга жавобан "аъзоларимиз меҳнатлари ҳар доимгидек қадр топганидан хурсанд бўлишди" деб қўя қолди.

Йирик, илғор, кўп тармоқли ҳўжалик аъзолари 120 гектарда "Бешаҳрамон" навли уруғлик пахта етиштиришди.

– Уруғлик пахта масъулият, машаққат билан бирга шунга яраша боракали даромад дегани ҳам, – дейди "Амирхон Гулбаҳор"нинг иш юритувчиси, Сафармурод Каримовнинг таърифи билан айтганда, фермернинг ўнг қўли Бахтиёр Дўнобоев. – Давлат эҳтиёжлари учун 350 тонна уруғлик пахта топширишимиз керак. Пахтазорларимизни айланиб кўрдингиз. Нима дейсиз, давлат олдидаги шартнома бурчимизни удралаймизми?

– Ҳатто, ортиги билан. – Чамангиз чакки эмас. Ўзимизнинг ҳам кўнглимиз тўқ.

Иш юритувчи тўғри гапни айтди. Ҳўжаликда пахтачилик ва ғаллачилик барқарор йўлга қўйилган. Энди фермер Сафармурод Каримов деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини ҳам бир бошдан ривожлантириб бориш ҳаракатида.

– Олти гектарли янги боғ барпо этдик, – дейди фермер. – Шафтоли, олма, гилос қўчатлари яхши ривожланыпти. Аммо, ўзимизга ҳам жуда маъқул бўлган ишимиз шу бўлдики, 1,5 гектарли интенсив боғ яратдик. Бу боғдан умидимиз катта. Негаки, у тез, мўл ва сифатли ҳосил беради. Келажақда боғдорчиликни шу йўналишда давом эттириш ниятидамыз.

Самад ЙЎЛДОШ,
Даврон АҲМАД олган сурат.

«ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ

Бутун республикада бўлганидек, Тошкент вилоятида ҳам 10 августда бошланган "Тоза ҳаво" тадбирининг иккинчи босқичи ўтказилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси автотранспорт воситалари чиқараётган газдан ҳавонинг ифлосланишини камайтириш мақсадида Ички ишлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда ҳар йили "Тоза ҳаво" тадбирини ўтказмоқда.

ЭКОЛОГИК КЎРИКДАН ЎТИШНИ УНУТМАНГ

Бундан мақсад автотранспорт корхоналари, автомобилларга ёқилғи қуйиш, техник хизмат кўрсатиш станцияларининг ҳавони муҳофаза қилишга оид фаолиятини, шунингдек, автотранспорт воситаларининг ҳавога захарли газ ва тўтун чиқариш даражасини текширишдан иборат.

Мамлакатда ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга қарашли автомобиллар йилдан-йилга кўпайиб бораёпти. Бу қувонарли ҳол, албатта. Чунки, у корхона, ташкилот ва муассасаларнинг моддий-техник имкониятлари кенгайиб, фуқаролар турмуши фаровонлашиб бораётганидан даража беради. Бироқ бунинг акс таъсири ҳам бор. Шу боис автотранспорт воситаларининг экологик ҳолати устидан давлат назорати йилдан-йилга кучайтирилмоқда.

Вилоят ҳокимининг 2011 йилда "Тоза ҳаво" тадбирини ўтказишга оид фармойиши эълон қилинди. Унга мувофиқ, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва давлат санитария-эпидемиологик назорат маркази билан ҳамкорликда "Тоза ҳаво" тадбирини ўтказиш режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаган эди. Ҳозир вилоят автотўларида транспорт воситаларининг экологик ҳолатини назорат қилиш бўйича 8 та станциялар ва 8 та қўйма постлар ташкил этилган. Кимга тегишли бўлишдан қатъи назар, ҳамма автотўллар текширилмоқда.



Барча ҳайдовчиларнинг вазифаси ўз машиналарининг экологик ҳолатини мунтазам кузатиб бориш, камроқ тўтун ва захарли газ чиқарадиган қилиб солашдан иборат.

Атроф-муҳит, шу жумладан, ҳавони муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бу масалада автомобил эгалари ва ҳайдовчиларнинг масъулияти янада юқори. Ҳозир "Тоза ҳаво" тадбири давом этаётганда, барча автомобилларни экологик ва санитария кўригидан ўтказишнинг айни вақтидир. Унутмаслик керакки, агар машина чиқараётган захарли газ ва тўтун белгиланган меъёрдан ортқ бўлса, ҳайдовчи "Маъмурий жаъобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг тегишли моддасига мувофиқ жазоланиши мумкин. Аммо, ишни бу даражага олиб бормаган маъқул. Зеро, автомобилларни доим экологик ва санитария жиҳатидан тоза сақлашга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар биринчи навбатда ўзимиз учун, қариндошларимиз, яқинларимиз, дўстларимиз, умуман, барча ватандошларимизнинг саломатлиги учун қилинаёпти.

РЕЖА СИЗДАН - КЎМАК БИЗДАН

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланган босқич Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номланганлигида алоҳида маъно, моҳият зоҳир. Зеро, мустақиллик ва тадбиркорлик ҳаракати ўзаро боғлиқ, эмиқдош. Айни мустақиллик туфайли юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Бугунги кунда туманимизга хорижий сармояни олиб кириш кенг тус олди. Қисқа фурсатда кўплаб қўшма ва хорижий сармояли корхоналар барпо этилиб, туманимизнинг иқтисодий, хусусан, экспорт салоҳиятини кучайтирапти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили учун ишлаб чиқилган туман дастурида хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, янги, замонавий турларини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Фақат дастлабки уч ойда қишлоқларимизда ўн иккита янги савдо, пойабзал таъмирлаш ва автотомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик, умумий овқатлаш ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналари ишга туширилди. Шу тариқа 52 та янги иш ўрни барпо этилди.

Тадбиркорларимиз вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида ўз маҳсулотлари билан муваффақиятли иштирок этишди.

2011-2012 йилларда маҳсулот етказиб бериш юзасидан 132 миллион сўмлик ҳамкорлик шартномаларини имзолашди. Буюртмачи ше-

рикларга етказиб берилаётган маҳсулотлар рўйхатида электр лампочкалари, колбаса, консерва ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, салқин ичимликлар бор.

“Ўзэксомарказ”да ташкил этилган агроининовациониялар кўргазмасида “Мафтуна” хусусий корхонаси, “Мамаரசулов Султон” ва “Аҳмедов Ҳамидулла” фермер хўжаликлари трактор сотиб олиш учун шартнома имзолашди. “Канур-Гроуп” масъулияти чекланган жамият 70 миллион сўмга чет эл тракторини харид қилиш хусусида шартлашиб қўйди.

Биз тадбиркор ва фермерлар учун турли бошқарув ва хўжалик идоралари мутахассислари, чет эллик ишбилармонлар билан учрашувлар уюштириб, улар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш чораларини кўраямиз. Бу ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги технологияларни жорий этиш, пировард натижада рақобатбардош маҳсулотлар кўпайишига имкон яратмоқда.

Санобер ГУБАЙДУЛЛА,
Кибрай туман ахборот-маслаҳат маркази раҳбари.

Бекобод туманидаги “Мўминжон фойз” хусусий корхонасида иссиқхона шaroитида лимон етиштирила бошланди.

ЦИТРУС МЕВА МЎЛ БЎЛАДИ

Бунинг учун “Агробанк”нинг 100 миллион сўмлик кредити қўл келди. Натижада 5 киши доимий иш билан таъминланди, йилгига 12 тонна цитрус мева етиштириш имкони юзга келди. Шунингдек, тумандаги “Ҳолида Раҳмонбердиева” деҳқон хўжалигида ҳам банкнинг молиявий кўмагида иссиқхона ташкил этилди. Бу ерда куз мавсумидан бошлаб савзавот етиштириш кўзда тутилган.

ЎҚУВЧИЛАРГА ЧИНАКАМ ТУҲФА

Кибрай туманидаги 10-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг кўп йиллик орзулари истиқлол имкониятлари туфайли амалга ошадиган бўлди.

Таълим муассасасида замонавий ёпиқ спорт мажмуаси қурилиши жадал давом этаётди. Бунинг учун давлат газнасидан 380 миллион сўм маблағ ажратилди. “Строй Азия абсолют” хусусий фирмаси бунёдкорлари иншоотни тез кунларда фойдаланишга топшириш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Этиборлиси, тез орада бундай имкониятдан тумандаги 37-, 40- ва 49-умумтаълим мактаблари ёшлари ҳам баҳраманд бўладилар. Айни пайтда маъруз таълим муассасаларида ҳам замонавий ёпиқ спорт мажмуалари қурилиши ниҳояланмоқда.

Шерзод МУҲАММАДИЕВ.



ТЎЙБОЛАЛАР ВА СОВРИНДОРЛАР

Зангиота тумани Кўксарой қишлоғидаги “Олтин теля” тўйхонасида кам таъминланган оилалардаги 28 боланинг хатна тўйи ўтказилди.

Уларнинг ҳар бирига ёрдам тариқасида Халқ банкда 50 минг сўмлик ҳисоб рақами очилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб, маҳаллалар ўртасида ўтказилаётган футбол кубоги баҳсида совринли ўринларни эгаллаган жамоалар кубок, ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совгалари ва спорт либослари билан тақдирландилар.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.



Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Эндиликда бу борадаги барча чеклашлар бекор қилиниб, вафот этган шахс ким бўлишидан қатъи назар, уни дафн этиш билан боғлиқ харажатлар учун давлат томонидан маблағ ажратилган бўлди. Жумладан, маъмур Низомнинг 5-бандига мувофиқ, нафақа давлат пенсияси олувчи пенсионерга, давлат ижтимоий нафақаси олувчи фуқарога, ҳодим ёки унинг қарамоғидаги оила аъзосига, бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси мобайнида вафот этганда ёки бола ўлик туғилганда (перинатал ўлим), иш билан банд бўлган ёки банд бўлмаган шахс, фуқароларнинг айрим тоифаларига тегишли бўлган шахс ёки бола вафот этган тақдирда тайинланади.

Маъмур нафақа Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими томонидан тайинланади. Ҳодим ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоси вафот этганда нафақа корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан маъмур Низомда назарда тутилган тартибда тайинланади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, нафақа Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек, мамлакатимизда доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам берилади.

Нафақа кимга ва қанча миқдорда берилади?

— Шахс вафот этган тақдирда дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахсга энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдоринда нафақа тўланади. Нафақа миқдори ўлим содир бўлган кундаги, асосли сабабларга кўра (марҳумни қидириш, жасадни хорижий давлатдан олиб келиш ва бошқалар) марҳумнинг ўлими аниқланган кундан кеч дафн этилган ҳолларда — ушбу ҳолатни тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида дафн этиш кунидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

марҳумнинг пенсияси ёки белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

Нафақа марҳумнинг эрига (хотинига), ота-онасига, фарзандларига ва бошқа қариндошларига ёки марҳумнинг қонуний вақилига, бундай шахс бўлмаган тақдирда эса дафни амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олган шахсга тўланади. Нафақа учун 6 ой мобайнида мурожаат қилиш мумкин.

Дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган юридик шахсларга нафақа тўланмайди.

Ҳодим ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоси вафот этган тақдирда нафақа уни тайинлаган ташкилот томонидан тўланади, кейинчалик кўрсатиб ўтилган сарф-харажатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Маъмур турдаги нафақани олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс қаерга, қандай ҳужжатлар билан мурожаат қилиш лозим?

— Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза марҳумнинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига берилади. Фақат бола ўлик туғилганда ёки бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси мобайнида вафот этган тақдирда бундай ариза дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахснинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган шахс ўз аризасига ФХДЁ органи томонидан берилган ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва ўлим тўғрисидаги маълумотноманинг асл нус-

хаси, ўлик бола туғилганда ёки бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси мобайнида вафот этган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган перинатал ўлим тўғрисидаги маълумотноманинг асл нусхаси ҳамда ариза берувчининг паспорти нусхаси илова қилиниши лозим.

Нафақа барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда мурожаат қилинган кунда тайинланади.

Ташкилот томонидан нафақа тайинлаш тарти-

ИНСОН ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

би ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳодим ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоси вафот этган тақдирда нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза ташкилот маъмуриятига берилади. Нафақа ҳодимнинг асосий иш жойи бўйича ташкилотнинг ижтимоий сурғура комиссияси томонидан тайинланади. Комиссиянинг таркиби ва раиси ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади. Комиссиялар бўлмаган ташкилотларда нафақа ташкилот раҳбарининг буйруғи билан бундай ваколат берилган шахс томонидан тайинланади.

Ушбу Низом қондалари кимларга татбиқ этилмайди?

— Ушбу Низом марҳум ҳарбий хизматчиларга, ҳарбий йиғинларга қақчилган фуқароларга, ички ишлар органларининг ҳарбий хизматни ўташда (ҳарбий йиғинлар), ички ишлар органларидаги хизматни ўташда вафот этган ҳодимларга, ёки тинч даврда жараҳат (яраланиш, жараҳат, контузия) натижасида вафот этган ҳодимларга, шунингдек, хизматда бўлишнинг чек-

ланган ёшига тўлгандан кейин, саломатлигининг ҳолатига кўра ёхуд ташкилот-иш тадбирлари муносабати билан ҳарбий хизматдан ёки ички ишлар органларидаги хизматдан бўшатилган марҳум фуқароларга нисбатан қўлланилмайди.

Уларни дафн этиш марҳум ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўтаган, ички ишлар органларида хизмат қилган вазирилар, давлат қўмиталари ва идоралар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Дафн этиш учун ажратиладиган нафақанинг яна қандай ўзига хос томонлари бор?

— Нафақага солиқ солинмайди ва ундан ушлаб қолинмайди. Нафақанинг асосий ва қонунчи тўлаши ҳолатлари аниқланган тақдирда ариза берувчига тўланган нафақа суммаси суд тартибидан ундирилади. Почта алоқаси корхонаси тегишли таркибий бўлиmlаларига ва ташкилотларга хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг филиаллари уларни нафақа тўлаш учун зарур бўлган нақд пул маблағлари билан ўз вақтида таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўради.

Нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс вафот этган тақдирда олинмай қолган нафақа суммаси мерос тартибига киритилмайди ва ота-онага, эрига (хотинига), шунингдек, нафақа олувчи вафот этган кунда у билан биргаликда яшаган оила аъзоларига тўланади. Бир неча шахс мурожаат қилган тақдирда тегишли нафақа суммаси улар ўртасида тенг тақсимланади.

Ушбу қондалар ҳалқимизда азалдан мавжуд бўлган меҳр-оқибат, ўзгаларга ёрдам ва муруват кўрсатиш каби қазилаларга мосдир. Зеро, ўтганларнинг хотира-сига ҳурмат баҳо келтириш, оила аъзоларининг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий эътиборидир.

ЎЗА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди.

АРХИВ ЖАВОНЛАРИДА АСРАЛАЁТГАН ТАРИХ

Тошкент вилояти республиканинг энг йирик моддий, маънавий ва интеллектуал бойлиқка эга ҳудудларидан бири десак муболаға бўлмайди. Унда воҳанинг беҳисоб бойликлари шу маконда яшаган ва яшаётган аждодларимиз, ота-боболаримиз мероси, яъни вилоятимиз тарихи муҳассам. Бу тарих турли ташкилотларда,

Республика архивларида ниҳоятда эҳтиёткорлик билан сақланаётган ҳужжатларни арафасида, уларни синчиклаб ўрганмай туриб, тарихимизнинг у ёки бу жабҳасини одилона ёритиб бўлмайди.

Демократик ҳуқуқий давлатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Республика Олий Мажлиси томонидан “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Архив иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари амалга кириши ҳақида ва шу каби бир қатор қарорлар қабул қилиниши, булар ҳалқимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш, моддий ва маънавий, ақлий бойлиқларимизни халқ хизматида бўйсундириш, бой тарихимиз билан жаҳонни таништириш каби кенг қамровли масалаларни ўз ичига олади. Маъмур қарорлар биз архивчилар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади, ҳамда зиммамизга катта масъулият юклайди.

Вилоят архив иши бошқармаси, давлат архиви идораси ва унинг жойлардаги бўлиmlалари билан бирга қўрида зикр этилган қарорларни бажаришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ёшларни Ватанга ҳуқур муҳаббат ва миллатлараро дўстлик руҳида тарбиялашда давлатимизнинг кейинги даврлардаги

муассаса ва корхоналарда вужудга келган ва келаётган ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Унут бўлаётган урф-одатлар, қадриятлар, умуман минг йилларга тенг тарихимизни қайта тиклаш, уни бор буй-баста билан рўй-рост кўрсата билиш имконияти республикамиз истиқлолга эришгандан сўнггина юзга келди.

малар сақланмоқда. Ҳар йили минглаб фуқаролардан меҳнат фаолиятини у ёки бу даражада тақдирлаш ҳужжатларини тасдиқловчи маълумотнома сўровлари келиб тушади.

Қачонлардир вилоятда яшаб меҳнат қилган, ҳозирги пайтда тақдир тақозоси билан хорижда яшаётган шахслардан ҳам қўллаб-сўровлар олиниб, уларга ўз вақтида белгиланган тартибда жавоб бериб келинмоқда.

Вилоят архив иши бошқармаси, давлат архиви ва уларнинг бўлиmlалари давр талаби даражасида фаолият кўрсатишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги, ҳамда вилоят ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши, кўмаги самарали бўлмоқда. Шунинг учун вилоят архив иши бошқармаси ва унинг тасарруфидagi тармоқларда йилдан йилга иш қўлини анча кенгайиб бормоқда. Тарихий ҳужжатларни, аждодларимиз хотирасини кўз қорачигидек сақлаш, уларни мустақил республикамиз шу жумладан, вилоятимиз тарихи учун, ҳалқимизнинг маънавий эҳтиёжи учун хизмат қилдиришдек шарафли вазифани ижро этиш, биз архивчиларнинг муқаддас бурчимиздир!

Гулнора БЕКМУҲАММЕДОВА,
вилоят архив иши бошқармаси бошлиғи.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

ҲИМОЯНИНГ ХАВФСИЗ УСУЛИ

Қизамиқ ва қизилча ҳаво орқали жуда тез тарқаладиган оғир юқумли касалликлардир. Улар қарлик, кўрлик, зотилжам, юрак касалликлари сингари асоратларга, баъзи ҳолларда эса ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Иккала ҳолатда ҳам инфекция манбаи бемор одам ҳисобланади. Бунда беморнинг иситмаси кўтарилади, ҳолисиёнада, кўзи қизариб, ёшланади, бундан сўв келади, йўталши мумкин. Асосий белгиларидан яна бири, баъданда қизил тошмалар пайдо бўлади. Қизилчада тошмалар қизамиқдаги каби ёрқин рангда бўлмайди, ва бир-бири билан қўшилимаган ҳолатда бўлиши мумкин. Бу вақтда касалликнинг юқиб эҳтимоли кучлиги сабабли, бемор атрофдагилар учун хавфли ҳисобланади. Тошмалар 3-5 кундан кейин аста-секин йўқола бошлайди.

Бу касалликларга қарши самарали курашишнинг ягона усули — эмлаш. Эмланган одамда қўридаги касалликларга қарши иммунитет бир умрга сақланиб қолади.

Шу мақсадда бу йил 12-18 сентябрь кунлари республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмагида республикамизда 1-14 ёшли болаларни қизамиқ ва қизилчага қарши оммавий эмлаш, жумладан, Тошкент вилоятида 700 мингга яқин аҳолини қам-



раб олиш режалаштирилган. Поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида ташкил этилган махсус хоналарда малакали тиббиёт ҳодимлари болаларни эмлашади. Бир марта ишлатиладиган шприцлар орқали тери остига хавфсиз ва ишончли вакцина юборилади. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида кенг қўламда тарғибот ишларини олиб бориш учун қўллаб-қувватлаш, варақа ва эслатмалар тарқатилади. Унутмаслик керакки, болаларни қизамиқ ва қизилчага қарши эмлатар эканмиз, нафақат уларни, балки бутун жамиятни бу хавфли касалликлардан ҳимоя қилган бўламиз.

Набижон ЖЎРАЕВ,
вилоят ДСЭНМ бош врачси ўринбосари,
тиббиёт фанлари номзоди.

БОЛАЛАР ШОДЛИГИГА НИМА ЕТСИН

Чирчик шаҳрида ҳиндистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган замонавий аквапарк қисқа фурсатда нафақат чирчикликларнинг, балки шаҳар меҳмонларининг ҳам севимли ҳордиқ масканига айланди.

Ёз жазирасида бироз чекланган бўлишига қарамай бу ердан хануз ҳордиқ чиқарувчиларнинг қадами аримайди. Айниқса, паркида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан қатор хайрия акциялари ҳам ташкил этилаётгани диққатга сазовор.

Хусусан, пойтахтдаги “Global gazmonta” корхонаси аквапаркда қўшни Сирдарё вилоятидаги “Гулистон” болалар шаҳарчаси тарбияланувчилари учун катта

байрам тадбири ташкил этди. Жажжи меҳмонлари Чирчик корхоналари раҳбарлари илиқ кутиб олиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиёнаси билан қизгин кўтлашди.

Сўзга чиққанлар болажонларга мамлакатимиз ўзининг йиғирма йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришадиган оламшумул ютуқларни, жумладан, Ўртабоннинг раҳнамолигида соғлом авлод тарбияси, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай қам-

байрам тадбири ташкил этди. Жажжи меҳмонлари Чирчик корхоналари раҳбарлари илиқ кутиб олиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиёнаси билан қизгин кўтлашди. Сўзга чиққанлар болажонларнинг қувноқ қуй-қўшиғу жозибдор рақсларига, беғубор болаликнинг шўҳ-шодон кулгуларига тўлди.

— Мамлакатимизнинг барча кичикинтойлари Ўртабонимизнинг беадоқ меҳри ва юксак ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиб улгаймоқдалар, — дейди болалар

шаҳарчаси раҳбари Покиза Аҳмаджонова. — Бунга шаҳарчамизда тарбияланаётган ота-она меҳридан маҳрум болажонларимиз учун яратилган шaroитлар, уларнинг соғлигини сақлаш, муносиб таълим-тарбия олишларига қаратилаётган эътиборнинг ўзи ёрқин мисолдир. Бугунгидек хайрия тадбирлари эса тарбияланувчиларимизнинг руҳини янада кўтариб, уларнинг орзу ва интилишларига қанот бериши шубҳасиз.

СУРАТДА: аквапарк болажонлар билан гавжум. **Еркебой БОТИРОВ** олган сурат.

XXI ва
аср дунёЭРОННИНГ БИРИНЧИ
АЭСИ ИШГА ТУШДИ

Эроннинг Бушердаги биринчи атом электр станцияси ишга тушди. Бу атом электр станцияси бера бошлаганини маълум қилди Reuters ISNA агентлиги маълумотига асосланиб.



ISNA хабарига кўра, Бушер АЭСининг қуввати ҳозир 60 мегаваттга етказилди. Станция ҳодимларидан бирининг айтишича, Бушер станциясининг якуний қуввати 1000 мегаваттга олиб чиқилади. РИА

"Новости" шу маълумотни келтирди.

МАГАТЭ қоидаларига мувофиқ, АЭС энергоблоки электр тармоғига биринчи киловатт қувватни берганидан сўнггина ишга тушган турган станция сифатида маълумотлар базасига киритилди. "Интерфакс"нинг ахбороти-га кўра, Бушер АЭСининг ишга тушишига бағишланган маросим 12 сентябрда бўлиб ўтди. Бунгача мутахассислар барча зарур синхронизация ва қувватни таъминлаш бўлиб ўтди. Бу атом электр станцияси бера бошлаганини маълум қилди Reuters ISNA агентлиги маълумотига асосланиб.

ТЎФОН
ҚУРБОНЛАРИ
ЙИГИРМАДАН ОШИДИ

BBC Newsнинг хабарига кўра, "Талас" деб номланган тўфон Японияга жала ҳамла соғинала 30 метр тезликка эгган кучли шамол олиб келди.

Агентлик тарқатган хабарда айтилишича, мамлакатнинг марказий ва ғарбий қисмида 500 мингга яқин киши эвакуация қилинди. Тўфоннинг асосий зарбаси Сикоку ороли, Нора ва Вакаяма музофотларига тўғри келди. Бир неча туманда дарё сувлари қирғоқлардан тошди ва кучли сув оқими ҳамда кўчкилар уйлари ювиб кетди.

Ҳозир тўфон Япония худудини тарқатиб, Хабаровск ўлкаси ва Приморье томон бормоқда. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги минтақа аҳолисини яшаш жойларини ташлаб чиқмаслик, шахсий машиналарини минмаслик, қайиқ ва катерларда очик денгизга чиқмаслик ҳақида огоҳлантирди.



НИГОҲ

ХОМТАЛАШ

ёхуд Қирғизистон "қамоқхона кийимидигилар" инқилоби бўсағасида

Қирғизистонда юзага келган вазиятни битта сўз – "хомталаш" ибораси билан тўлиқ ифода қилиш мумкин. Турли уруғ-аймоқ, гуруҳ ва "ойла"лар ўртасида ҳамма нарса хомталаш қилинапти.

Кейинги вақтларда ҳукумат жиноятчиликка аралашиб, шу даражада чирмашиб кетдики, энди мамлакатни кимлар бошқарапти ўзи, сиёсий партияларми ёки жиноятчи гуруҳларми, тушуниб бўлмай қолди. Бунинг устига ҳар қандай сиёсий кураш ҳокимият учун мушталашува айланиб кетиши одат бўлиб қолган. Зеро, бизнинг ҳеч қачон аниқ ҳаракат дастури ва доктринасига эга бўлмаган партиялар ва сиёсатчиларимиз доим ҳокимият учун очкўзларча интилади. Сиёсатчиларнинг тўхтовсиз гоҳ у партияга, гоҳ бу партияга ўтиб юришлари, нуқтаи назарларини мутлақо қарама-қарши томонга тўхтовсиз ўзгаришлари, беҳисоб қолишча ва иттифоқлар қандай тез тузилаётган бўлса, шундай тез тугатиш, кетма-кет жанжаллар чиқиши ва қайта ярашувларнинг сабаби ҳам айнан шу.

Шунингдек, биз телекранларда тез-тез кўраётган сиёсатчиларимиз ортда қамоқхона кийимидиги "баобру"лар турганлиги шундоқ ҳам мураккаб вазиятни портлаш даражасига олиб келмоқда. Бизда ҳамма нарса шу даражада қорилиб кетдики, ким кимнинг ортда турибди, ким кимни бошқарапти, тушуниб бўлмайди. Энди ҳар қайси партия ортда ким турибди, у ёки бу "баобру"ми ёки қонуний ўғримси, сир эмас.

Сайловлар ҳараёнида мамлакат хомталаш қилингандан сўнг бизнинг "жиноятчи-ҳукумат" колонияларида хомталаш бошланди. Қамоқхоналарда бундай тарафқашликка уюшган жиноятчиликка қарши ёппа кураш эълон қилинганга сабаб бўлди. Ал-лақачон ойдинлашганки, биздаги шу каби ташаббус таъсир доирасини қайта бўлашишга қаратилган. Энди эса, гуруҳлар ва "қонуний ўғрилар" ўртасида маҳбустларни ўз назоратларида ушлаб туриш учун кураш бошланди. Ҳозир бу кураш асосан Норин вилоятида жазони ўтаётган, "тахтга янги ўтирган", "қонуний ўғри", "Чечен" лақабли Азиз Батукаев ҳамда чет элга қочган "қонуний ўғри" Камчи Қолбоев тарафдорларини ўртасида борапти. Қолбоев ҳукуматдан қувилган Боқиевлар – Максим ва Жанишнинг шарофати билан тахта қўтарилган эди. Даровке, ҳозир у "Ота Юрт" партиясининг парламентдаги фракцияси етакчиси, ҳаммага отининг қашқасидек танилган Камчи-бек Тошев билан алоқа



қилапти.

Қирғиз юртида ҳамма нарса қорилиб кетди. Ҳозир озодликдаги ҳаёт худди қамоқхонадагидек, қамоқхонада эса одатий ҳаётдагидек. Фақат фарқи шундаки, ушбу хомталаш ўйини иштирокчилари қимматбаҳо кийимларга бурканишган. Қамоқхонада, илгари озодликда бўлган, жонжаллар уюштирилди. Қизиги шундаки, бу ахлоқ тузатиш муассасалари иштирокида қилинади. Улар қочқоқ Қолбоевга содиқлар. Бунинг устига фақат Батукаев тарафдорларини жазолашчи ва қарсегар тикишади. Авж олган кураш ҳазилакам эмас. Жуда қизгин, худди Жогорку Кенешдагидек.

Чўйс вилоятидаги 16-қолонияда Батукаев тарафдорларидан 20 кишига тан жароҳати етказилганидан сўнг ғалаён кўтарилди. Вазиятни назоратга олиш осон бўлмади. Батукаевни Чўйс вилояти туҳдудига ўтказишга қарор қилинди. Мақсад – у илгари ўзининг таъсир доирасида бўлган вилоятдаги "вазир"ни яхшироқ назорат қилиши учун имкон яратиб бериш эди. Аниқ маълумотлар борки, қолониядаги ғалаён ҳам айнан Батукаевни ўзга, яъни Норин вилоятидан Чўйс вилоятига ўтказиш мақсадида ташкил этилган эди. Мана энди ўзини ўйлаб топинг, ким кимни назорат қилапти – ҳукумат жиноятчиликми ёки аксинча...

Батукаевни ўзининг "омамакони"га қайтариш Қолбоев тарафдорлари режасига кирмаган эди. Негаки, улар Чўйс вилоятида ўз таъсирларини эндигина қулайтиришга бошлаган эдилар. Шу боис Қолбоев Батукаевни ўзга вилоятга қўчирилиши режасини барбод қилиш учун бутун мамлакат колонияларида бир қатор ғалаёнлар уюштирди. Шунда давлат жазони ўташ хизматида ҳам иш топилиб қоларди. Шундай қилиб Тошев Боқиевлар уруғ-аймоғи билан биргаликда Қолбоевга умид боғлайди. Холбуки, бу кишилар уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида оғиз қўптиришади. Бу орада ана шу

кураш, мамлакатда қарор топган аънаъга мувофиқ, ҳокимият ва таъсир доираси учун курашга айланди.

Ҳукумат ва салоҳиятчи жиноятчилик бир-бирлари билан қорилиб, уюшиб кетди ва энди бутун мамлакатни биргаликда хомталаш қилишяпти. Халқ эса, бу даврда очидан ўлай деппти. Шу боис ҳар бир фуқаро ёки бизнесчи икки томонлама эзилапти – бир ёқда милиция ва амалдорлар, иккинчи ёқда жиноят олами. Хўш, қаердан ва қимдан ҳимоя қилиш мумкин? Ҳукумат тепасига янги одамлар келишидан умид қилиш сарофга ишончи билан баравар. Сабаби – ҳукумат тепасидагилар алмашмаверди, хомталаш эса, бирдек давом этаверади. Гўё бўлашагидан нарсанинг ўзи қолмагандек, аммо ҳар сафар минималдигидан хомталаш давом этаверган, иш ва ривожланиш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Бу орада жиноятчилик олами сурбетилашиб кетди. Олти қолониядаги маҳбустлар очлик эълон қилишди. Ажабланишарлики шунки, улар қўйётган талаблар, одатдагидек, маҳбустларнинг яшаш шароитларини яхшилаш эмас (бизда очликдаги ҳаёт ҳам ундан қолишмайди), шунингдек, сиёсий талаб – қамоққа олишларни бас қилиш, жиноят ишларини қайта қўриб қилиш, ҳатто, икки ишлар органларидаги кадрлар сиёсати ва жазони ўташ таъминотларини ўзгариштириш ҳам бор. Балки, улар эртага президент ва ҳукуматни ҳам ўзгариштириш талаб қилиб қолишар?

Хўш, унда нима бўлади? Янги тўнтаримиз? Уни қандай атайимиз? Балки, "қамоқхона кийимидигилар инқилоби" дермиз? Ёки мамлакатни бутунлай барбод қилишга улгурмасларидан олдин бу беаънигар-чиликларга чек қўйиш керакдир балки?

Алмазбек ТОҚТОРАЛИЕВ.
www.centrasia.ru

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕК КУРАШНИНГ ЖАҲОНАРО ДОВРУҒИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1998 йил 6 сентябрда Кураш халқаро ассоциацияси тузилиб, миллий спортимиз – кураш халқаро спорт тури мақомини олди

Ҳар бир мамлакат, ҳар бир миллийнинг ўзига хос миллий спорт ўйинлари бор. Бугун оммавий ҳисобланган кўплаб спорт турларининг қадимий илдизлари ҳам турли халқ урф-одатлари, аънаёларида бориб тақалади. Халқимизнинг миллий қадриятларидан бўлган кураш ҳам уч ярим минг йиллик тарихга эга ва бугун жон узра жадал ривожланаётган замонавий халқаро спорт туридир.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кўплаб спорт турлари қатори кураш ҳам кенг оммалашиб, изчил ривожланмоқда. Бир пайтлар тўй, байрам ва сайилларнинг тор доирасидан чиқолмаган курашимиз истиқлол шарофати билан бутун дунёга танилди. Ер курашининг барча қитъаларига ёйилиб, юздан зиёд мамлакатда оммалашди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ўзбек курашининг жаҳонга юз тутишида муҳим омил бўлмоқда. Истиқлолнинг илк йилларидан Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун Шаҳрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирлар ташкил этилди. 1992-1998 йилларда Жанубий Корея, Канада,



Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг намойиш қилинди. Натижада жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябрь кунини ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди. Дунёнинг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган Таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) асос солинди. Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 1 февралдаги "Халқаро "Кураш" Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони миллий кураш ривожини янги босқичга қўтарди. Уша йил май ойида Тошкент шаҳри-

да кураш бўйича 1-жаҳон чемпионати ўтказилди. КХА икки нуфузли халқаро ташкилот – Бутунжаҳон допингга қарши кураш агентлиги (WADA) ва Осиё Олимпия кенгаши аъзосидир.

Кураш халқаро ассоциациясидан маълум қилишларича, курашнинг жаҳон миқёсидаги мақеини янада мустаҳкамлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, КХА таркибидagi Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари, юздан зиёд мамлакатларда кураш федерациялари самарали фаолият юритмоқда. Бола-лар, ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар

ўртасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлари ўтказиш йўлга қўйилди. Кураш оммалашган ҳар бир мамлакатда миллий чемпионат ва биринчиликлар ўтказилмоқда.

Бугун ўзбек кураши қирғиб борган дунёнинг кўплаб давлатларида "таъзим", "тўхта", "ёнбош", "чала", "дакки", "ҳалол" каби ўзбекча атама ва сўзларнинг жаранглаётгани ҳар биримизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

Буларики барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътиборнинг, ўзбек курашининг энг инсонпарвар қоидаларини ўзидан мужассам этганининг натижасидир.

Дунёга юз тутган миллий спортимизнинг жаҳоннинг юздан зиёд мамлакатлари таълим ва унинг афзаллиқларини эътироф этди. Бугун ана шу мамлакатлар спортчилари кураш мусобақаларида ўз юрти шаънини фаол ҳимоя қилмоқда. Кураш халқаро ассоциацияси мусобақалари тақвимида кўра, йил давомида халқаро миқёсда ўттиздан зиёд мусобақа ўтказилади.

Жорий йил 19-23 октябр кунлари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънавий халқаро турнирда полновлар мутлақ вазн тоифасида бош соврин учун беллашади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

КАТРАЛАР

КЎНГИЛ БАЙРАМИ

Шанба кунини неварам Нурдона билан ҳайвонот ботиға бордик. Турли ҳайвон, қушлар, балкиларни томоша қилиб, кўнглимиз шод қайтар эканмиз, кўча ва гузарларда супур-сидир қилаётган, дарахларга шакл бериб, оқлаётган кишиларни кўриб неварам сўраб қолди:

– Буважон, нега опа-акалар бирга ишлашапти?
– Яқинда улуг байрамимиз бўлади. Шу байрам олдидан ҳаммаёқни супуриб, тозалаш бўлишса, байрам бошланади.

Неварам тушундим, дегандай бош иргаб қўйди. Уйга келганимиздан сўнг бироз дам олиб ҳовлига чиқсам, неварам кўшимининг қизи Нигора дугонаси билан атрофга сув сепиб, супуришапти.

Нурдона олдимга келиб, бўйнимдан кучганича, эр-каланди.

– Буважон, ҳовлимизга сув сепиб, чиройли қилиб қўйдик. Энди Нигоранинг ҳовлисини супуриб келамиз. Шунда икковимизнинг уйимизда ҳам байрам бўлади-я?

– Ҳаммаимизнинг уйимизда байрам бўлади, – дедим мен. Кўнглимда эса чексиз кувонч балқирди. Ахир, шундай ақли фарзандларимизнинг ўзи бизнинг байрамимиз-ку. Кўнглида байрам бўлган жойда доимо катта байрамлар бўлади.

МЕНИ ОМОН САҚЛАЙДИ

Болалигимда йўлга чиқар эканман, онам доимо эшик олдига дуо қилиб қоларди:

– Борадиган жойингга эсон-омон бориб қайт, ўғлим. Уйга қайтганимда эса шўқр, дея пешонамдан ўпиб қарши оларди.

Йилларга онамнинг дуолари мени омон сақлаб келди, чамамда. Бугун дуоғўй онам йўқ. Бунга қарангки, ҳар кун эрталаб худди онам турган жойда бири-бирдан ширин икки қиз неварам ишига кузатишади:

– Буважон, ишга эсон-омон бориб келинг.
Ишдан келганимда эса болаларча меҳр билан талпиниб, бўйнимдан қучишади.

Менимча, эндиликда невараларимнинг беғубор меҳри ва соғинчи мени йўлларда омон сақлайди.

ЗУККОЛИК

Кичик неварамни яхши кўраман. У беш ёшда. Ҳар кунини ишдан қайтишда ширинликлар олиб келаман.

Бир кун олиб келган шоколадимни татиб қўриб, акасига берибди. Бунинг устига айтиб қолди:

– Шоколадингиз асли эмас экан. Қогози ўша-ю, ичи қалбаки.

Неварамни қақчириб ундан сўрадим:

– Асал қизим, шоколад ёқмадимми?

– Жуда ёқди, буважон.

– Емай, акангизга берибсиз...

– Мен ҳар кун ийман-ку, акам ҳам есин дедим-да. Эртага сал бошқачароғидан олиб келинг-а, буважон.

Неварамимнинг зуққолигини кўриб, буниси иккимиз яхши ниятда дуо қилдик.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

УИИ ООО "NAZU GIDA" (ИНН 205017847), расположенное по адресу: Хамзинский район, 2-проезд Иззат, 16-А, Тел: 298-76-71, зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Хамзинского района от 20 апреля 2007 года за № 001380-07, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение о добровольной ликвидации б/н от 01.07.2010г.). Протокол общего собрания учредителей б/н от 01.07.2010г.).

Утерянные документы: аттестат о среднем образовании О'Р-А № 272469, выданный 26.06.1993 году школой № 7 Ташкентского района Ташкентской области, диплом В № 028931, выданный в 2006 году Ташкент Давлат иқтисодий университет, диплом В № 017905, выданный в 2000 году ТДН на имя Ражапова Абдора Каримжоновича, СЧИТАЕТ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

ООО "MUSAFFO ORIGINAL TA MIR", зарегистрированное от Г.ос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учкунурского района Ферганской области, расположенное по адресу: Учкунурской район, ул. Инкшоб, дом 129, (ИНН 300959324, ОКПО 22503730), ЛИКВИДИРУЕТСЯ (Протокол собрания № 1 от 06.09.2011г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: +99890 305-86-56.

БУГУНГИ АВЛОД –
ЭРТАНИНГ ЭГАЛАРИ

Одатда болаларга бирон оғирроқ иш буюраётми, чарчаб қолмасан деб, хавотирланасиз. Бу табиий. Аммо болалар, эртадан кечгача тўп тепса ҳам чарчаб нималигини билмайди. Чунки, ўйин болаларга ҳамиша завқ бағишлайди, айни пайтда уларнинг қони юришиб, жисмоний жиҳатдан ҳам чиниқиб боради.

Иброҳим тўп деса ўзини томон ташлабдиганлар хилидан. У "Гурум" маҳалласида яшайди. Спортнинг бир неча турларига, хусусан, футболга жуда қизиқади. Уртоқлари Султон, Умарал, Элмурод, Абдулло билан бир неча йилдан буюн бирга мактаб ва маҳалла футбол жамоаларида тўп суриб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар жинда Ангрендаги маҳаллалараро футбол мусобақасида фахри ўчинчи ўринни қўлга қиритиб, жисмоний тарбия ўқувчиси Баҳодир Сулаймоновни ҳам хурсанд қилишди.

Бу йил тўққизинчи синфни тугатлаб, ҳужжатларини Ангрен политехникумига топширган Иброҳим Ҳошимов келгусида футбол билан янада жиддийроқ шуғулланиш ниятда.

Достон Пардаевнинг эса турли мусобақаларда қўлга қиритган медаллари утагача етди. У бокс билан шуғулланади. 2008 йилда шаҳар, кейинги йиллари икки марта вилоят чемпиони бўлди. Яқинда Ангренда ўтказилган машҳур спортчи Маънол Очиллов халқаро хотира турнирида эса Ўзбекистон чемпиони сифатида шоҳсупанинг биринчи погонасини эгаллади.

Ангрен политехникумининг

кон ишлари мутахассислиги бўйича талабаси Достон ёғи таътил даврида яна бир халқаро турнирга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Унинг адаши ва тенгдоши Достон Ўлжаевнинг боксда қўлга қиритаётган ютуқлари ҳам қувонарли.

Ангреннинг ибратли маҳаллаларидан бири "Гурум"да истиқлол йиллари тугилган иккидорли болалар кўп.

– Маҳалламиз болалари тиришқоқлиги, спортга, бирон бир касб-ҳунар эгаллашга қизиқиши билан бошқалардан ажралиб туради, – дейди диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Ойсулов Одинаматова.

– Чунки улар бўш вақтларида бирон фойдали иш, айниқса, спортнинг ўзлари ёқтирган турлари билан банд.

Маҳаллада ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол вояга етиши учун керакли шароитлар яратилган. Улар ўқитган 15-мактаб замонавий тарзда қайта реконструкция қилинди. Ўқувчи ёшлар кенг ва ёруғ, яхши жиҳозланган хоналарда ўқиш билан бирга янги қуриб ишга туширилган спорт зали ва майдончасида спорт билан бемалол шуғулланишади. "Қамолот"

ООО "ROTAN-AZIA", зарегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Яккасарайского района г. Ташкента № 002471 от 12.07.2006г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Мухомов, 3 (ИНН 206712006),

ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение собрания учредителей б/н от 01.08.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования указанного объявления.

ООО "MUSAFFO ORIGINAL TA MIR", зарегистрированное от Г.ос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учкунурского района Ферганской области, расположенное по адресу: Учкунурской район, ул. Инкшоб, дом 129, (ИНН 300959324, ОКПО 22503730), ЛИКВИДИРУЕТСЯ (Протокол собрания № 1 от 06.09.2011г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: +99890 305-86-56.

РАССОМ ХАНДАСИ



– Ҳўш, ўғлим сизга қачон қўпо муомалада бўлди?

cartoon.kulichki.ru

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маълумият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-942.

Адади 6919.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти –